

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02.30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДОЛИЕВ ИКРОМЖОН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**НАВБАҲОР БЕНТОНИТИДАН ОЛИНГАН ЮҚОРИ
СЕЛЕКТИВЛИ АДСОРБЕНТЛАРНИНГ АДСОРБЦИОН ТАДҚИҚИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the dissertation abstract of doctor of filosofy (PhD)

Мамадолиев Икромжон Илхомидинович

Навбахор бентонитидан олинган юқори селективли адсорбентларнинг
адсорбцион тадқиқи 3

Мамадолиев Икромжон Илхомидинович

Адсорбционное исследование высокоселективных адсорбентов, полученных
из Навбахорского бентонита 21

Mamadoliev Ikromjon Ilkhomidinovich

Adsorbtion studies of highly selective adsorbents from Navbahar bentonite 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАДОЛИЕВ ИКРОМЖОН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**НАВБАҲОР БЕНТОНИТИДАН ОЛИНГАН ЮҚОРИ
СЕЛЕКТИВЛИ АДСОРБЕНТЛАРНИНГ АДСОРБЦИОН ТАДҚИҚИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновацион вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/К470 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим тармоғига (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдикамалова Азиза Бахтияровна
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Исмаилов Ровшан Исраилович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «11» январь соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionx@academy.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2023 йил «29» декабрь куни таркатилди.
(2023 йил «29» декабрдаги № 8 реестр баённомаси).



Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д.Эшметов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда юқори ғовакли тузилишга эга бўлган модификацияланган монтмориллонитлар самарали адсорбент, турли полимер моддаларнинг тўлдирувчилари, катализатор ва дори воситаларини ташувчилари сифатида маълум. Айниқса, модификацияланган монтмориллонит сақлаган гиллар оқава сувларни комплекс тозалашда нисбатан арзон ва самарали адсорбент ҳисобланади. Шу сабабли, оқава сувларни комплекс тозалаш учун бентонитни модификациялаш соҳасидаги илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунёда монтмориллонит гиллари ва кимёвий модификаторлар асосида янги юқори ғовакли материалларни яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада монтмориллонит гиллари ва бошқа смектитларни модификациялаш шароитларини оптималлаштириш, текстур хусусиятлари ва ғовакли структурасини яхшилаш, иссиқлик, механик ва кимёвий барқарорлигини, суюқ органик ва сувли муҳитларни адсорбцион тозалаш жараёнида сорбцион ва бошқа хусусиятларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда смектит гуруҳи минераллари асосида функционал материаллар – самарали адсорбентлар ва катализаторлар ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда sanoat улушини оширишга қаратилган sanoat сиёсатини давом эттириб, sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”¹ йўналишидаги вазифалар белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан маҳаллий ресурслар, хусусан, кенг тарқалган Навбаҳор бентонит гили асосидаги юқори самарали адсорбентларни яратишга қаратилган илмий изланишлар катта аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотлар замонавий sanoat ва экология талабларини қондиришга, шунингдек, ушбу адсорбентларнинг таркиби, тузилиши ва ишлаб чиқариш шароитларининг хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга қаратилган.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 3-апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё sanoatини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28-декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13-февралдаги ПҚ-4992-сон «Кимё sanoати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган кимё маҳсулотлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда қатламли материалларнинг текстур хусусиятларини модификациялаш орқали яхшилаш, хусусан, адсорбентлар олиш бўйича Ajemba R.O., Onukwuli O.D., Zafar Z.I., Livingston W.R., Tomul F., Rogers D.A., Chen Q., Chapman R.J., Reynolds R., Hussain S.A., Конькова Т.В., Бабенков Е.Д., Бутман М.Ф., Проскуряков А.А., Третинник Л.А., Кульский Ю.Ю., Кормош Е. ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Мамлакатимизда К.С.Ахмедов томонидан модификацияланган қатламли тизимлар асосида самарали адсорбентлар олиш бўйича илмий мактаб яратилган бўлиб, ушбу соҳа ривожига олимлардан Хамраев С.С., Агзамхожаев А.А., Нарметова Г.Р., Муминов С.З., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Акбаров Х.И., Эшметов И.Д., Салиханова Д.С. ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

Мазкур олимлар томонидан табиий ресурсларни ўрганиш, уларни модификациялаш усуллари, олинган материалларнинг коллоид кимёвий хоссалари, текстур хусусиятлари ва синтез усули, барқарорлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, органик ва ноорганик табиатдаги адсорбатларга нисбатан сорбцион хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Шу билан бирга, адсорбцион ва каталитик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда, модификацияланган материаллар тизимининг барқарорлигини ошириш масалалари ҳам мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А12-46 “Маҳаллий хомашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараёни мақбуллаштириш” (2017-2018 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори селектив адсорбентларни яратиш учун турли катионларни ўз ичига олган эритмалар ёрдамида бентонит гилини модификациялашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишқорий ва ишқорий ер табиатли дастлабки бентонит гилларининг таркиби ва тузилишини тадқиқ қилиш, уларнинг текстур хусусиятлари ҳамда органик ва ноорганик адсорбатларга нисбатан адсорбцион фаоллигини аниқлаш;

ишқорий ва ишқорий ер бентонитини бойитиш ва плёнка ҳосил қилувчи ионлар (Ca+Zn+Mn ва Fe+Mg+Mn) аралашмалари билан модификациялаш

жараёнларида ҳосил бўлган бентонитларнинг тузилиши ва таркибига таъсирини ўрганиш;

бентонитни бойитиш ва модификациялашнинг унинг текстур хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

оғир металллар ва фосфат ионларининг адсорбция кинетикасини ўрганиш, сув ва бензол буғлари адсорбцияси асосида ғоваклилик хусусиятларини аниқлаш;

модификацияланган бентонитлар ёрдамида сувли эритмалардан нефт маҳсулотлари ҳамда ёғларни адсорбцион ва каталитик тозалаш жараёнларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навбахор конининг ишқорий ва ишқорий ер бентонити ҳамда уларни плёнка ҳосил қилувчи ионларнинг ($\text{Ca}+\text{Zn}+\text{Mn}$ ва $\text{Fe}+\text{Mg}+\text{Mn}$) эритмалари билан модификацияланган шакллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишқорий ва ишқорий ер бентонитини $\text{Ca}+\text{Zn}+\text{Mn}$ ва $\text{Fe}+\text{Mg}+\text{Mn}$ эритмалари билан модификациялаш усуллари, уларнинг ноорганик ионларга (Cu^{2+} PO_4^{3-}), сувли эритмалардаги нефт маҳсулотларига, шунингдек, газсимон муҳитдаги сув ва бензол молекулаларига нисбатан текстур ва адсорбцион фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик-кимёвий (рентгенофазавий, термогравиметрик, спектрал, микроскопик таҳлиллар) ва коллоид-кимёвий (калориметрик, адсорбцион, паст ҳароратли азот адсорбцияси) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бентонит гилларини тозалаш, бўктириш, кум заррачаларини монтмориллонитдан ажратиш ҳамда 10% H_2SO_4 эритмаси иштирокида модификациялашни ўз ичига олган сувни тежаш имконини берувчи қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

бойитиш жараёнида минералогик таркибнинг ўзгариши намуналарнинг дисперслигига ҳамда Б1 ва Б2 намуналарида 1 мкм кам бўлган фракцияларнинг мос равишда 1,93 ва 2,80 мартаба ортишига таъсир қилиши аниқланган;

Б1 ва Б2 бентонитларини (Fe^{3+} , Ca^{2+}) тузлар эритмалари билан модификациялашнинг мақбул шароитлари аниқланиб, намуналарнинг нисбий юзасини мос равишда 56,3 ва 42,7 дан 146,1 ва 115,2 m^2/g гача ошириши аниқланган;

бентонит гилларини $\text{Ca}^{2+}+\text{Zn}^{2+}+\text{Mn}^{2+}$ эритмалари билан модификациялаш натижасида сувга нисбатан адсорбцион фаолликнинг ортиши, $\text{Fe}^{3+}+\text{Mg}^{2+}+\text{Mn}^{2+}$ ионлари билан ишланганда эса гидрофоб бензолга нисбатан адсорбцион фаолликнинг ортиши аниқланган;

бентонитни Ca^{2+} тузлари билан модификациялаш нефт маҳсулотлари ва ёғ-мой моддалари бўйича адсорбцион фаоллигининг ортиши, Fe^{3+} ионларини киритиш эса оксидловчилик хоссаларини ортишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишқорий ва ишқорий ер бентонитини модификациялаш учун бентонит юзасида плёнка ҳосил қилувчи эритмаларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

бентонитларни модификациялаш ҳамда бентонит ва гидроксид заррачалари асосида коллоид дисперс тизимларни олиш усуллари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий тадқиқотларнинг қўлланилиши ва “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида тажриба саноат синовлари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти методологияни такомиллаштириш, бентонит гилларини бойитиш ва модификациялаш, адсорбент-адсорбат ўзаро таъсирининг механизми ва қонуниятларини жорий этиш билан асосланиб, бу янги модификацияланган материалларни яратиш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли саноат мақсадларида маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи адсорбентларни ишлаб чиқариш, усуллари такомиллаштириш, кимё ва кимё технология йўналиши бўйича таълим муассасаларида бакалавр ва магистрларни тайёрлашнинг ўқув жараёнига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Бентонитлар ва (гидр)оксид заррачалари асосида юқори даражада ғовакли материаллар олиш бўйича илмий натижалар асосида:

$\text{Ca}^{2+} + \text{Zn}^{2+} + \text{Mn}^{2+}$ билан модификация қилинган бентонит адсорбентлари ёрдамида газларни қуриштириш усули «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2021 йил 17 декабрдаги 644/ФК-08-2021-сон маълумотномаси). Натижада, тозаланган табиий газ намлик даражасининг камлиги билан тавсифланган бўлиб, саноат ишлаб чиқариш талабларига жавоб беради;

ичимлик ва оқова сувларни Cu^{2+} ионларидан адсорбцион тозалаш учун модификацияланган бентонит асосидаги адсорбентлар Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариш Вазирлигининг «2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариш Вазирлигининг 2023 йил 10 ноябрдаги 01/18-8-1507-сон маълумотномаси). Натижада, модификацияланган бентонитлардан фойдаланганда Cu^{2+} ионлари концентрациясининг 91-95% гача камайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий

натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, 2 таси республика ва 4 таси халқаро журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 103 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, саноат тажриба-синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сувли муҳитни адсорбцион тозалаш учун табиий ва модификацияланган бентонит гиллари”** деб номланган биринчи бобида, бентонитларнинг структуравий хусусиятлари, монтмориллонитларнинг физик-кимёвий хоссалари, гилни модификациялаш усуллари, шунингдек, табиий қатламли силикатларни модификациялаш ва уларни адсорбент сифатида ишлатиш имконияти кенг ёритилган. Қатламли алюмосиликатларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларига оид адабиётларда мавжуд маълумотлар умумлаштирилди, таҳлил қилинди. Бентонитларни бойитиш ва модификациялаш ҳамда улардан адсорбция ва катализ жараёнларида фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий бентонит гиллари газларни қуриштириш, сувли муҳитда турли хил ифлослантирувчи моддалардан тозалаш жараёнлари учун юқори селектив ғовакли адсорбентларни яратиш учун қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, адабиётларни таҳлил қилиш ушбу ишда қўйилган мақсад ва вазифаларни шакллантириш имконини беради.


Диссертациянинг **“Адсорбентлар яратиш учун Навбахор бентонитининг таркиби ва структуравий хусусиятларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида дастлабки материалларини тадқиқот натижалари келтирилиб, уларни модификациялаш ва тузилишини ўрганиш усуллари ёритилган.

Мақбул сорбентларни аниқлаш мақсадида Навбахор конининг (Навоий вилояти) монтмориллонит сақлаган гиллари тадқиқ қилинди.

Ишқорий (Б1) ва ишқорий ер (Б2) гил намуналари ўхшаш оксидларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, бу бентонит гилларининг одатий таркибини акс эттиради. Бироқ, намуналар орасида баъзи оксидларнинг концентрациясида фарқлар мавжуд. Намуналарда асосий компонентлар сифатида SiO_2 ва Al_2O_3 мавжуд бўлиб, бу бентонит гиллари учун хосдир. Иккала намунада турли миқдорларда Fe_2O_3 , FeO , P_2O_5 , SO_3 ва CO_2 мавжуд.



Ўрганилаётган намуналарнинг минералогик таркиби рентген фазавий таҳлиллар асосида аниқланган (1-расм).

Б1 намуна учун монтмориллонит 1,781; 1,413; 0,455; 0,169; 0,166; 0,150 нм даги рефлекслар билан аниқланган. Ушбу намунадаги монтмориллонит 1,23 нм оралиқ масофага эга d_{001} рефлекси билан аниқланган бўлиб, ундаги монтмориллонит қатламларининг характерли тузилишини кўрсатади. Табиий шароитда монтмориллонит қатламлари орасида сув молекулалари мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, 1,23 нм масофа сув молекулаларининг структурада мавжудлигини акс эттиради.



1-расм. Бентонит намуналарининг дифрактограммалари:
1) Б1; 2) Б2.

$d_{001}=1,47$ рефлекс шуни кўрсатадики, Б2 намунасидаги монтмориллонит асосан кальцийли ва магнийли шаклларда ифодаланади. $d_{020}=0,446$ нм рефлекснинг мавжудлиги монтмориллонитнинг диоктаэдрал тузилишини тавсифлайди, бу эса кремнийнинг тетраэдрик қатлами билан ажратилган алюминий ёки магнийнинг икки октаэдрик қатламларидан ташкил топган қатламли тузилишини тасдиқлайди. Ушбу тузилиш монтмориллонитларга хос, бироқ $d_{001}=1,47$ нм рефлекс минерал қатламлари орасида қўшимча сув молекулалари ёки бошқа моддалар бўлиши мумкинлигини кўрсатади, бу эса қатламлараро катионлар сифатида кальций ва магний борлигидан далолат беради. Шунга кўра, бу натрий монтмориллонитларга нисбатан ушбу бентонитнинг сув ютиш қобилияти ва пластиклигини ошириши мумкин.



2-расм. Б1 намунанинг микротасвири. 3-расм. Б2 намунанинг микротасвири.


Б1 намунасининг микротасвирларида монтмориллонит асосан микро ва ультрамикрoагрегатлар кўринишида тасвирланган. Маълум жойларда бири-бирдан турлича масофада ва четки соҳаларда жойлашган найзасимон йирик заррачалар аниқланган. Б2 намунасида эса монтмориллонит кристалларининг характерли таксимоти ўзгача тус олган бўлиб, унинг бошқа минераллар билан ёндош жойлашганини кўрсатади. Бундай агрегатлар одатда 20 дан 80 мкм гача бўлиб, турли хил зичликда қуритилган барглр шаклига қиёсдир. Монтмориллонит кристалларининг ўзига хос морфологик кўрсаткичлари рентген нурлари диффракцияси ва термик таҳлиллар натижаларига мосдир (2- ва 3-расм). Б1 ва Б2 намуналарининг энергодисперсион таҳлил натижаларига кўра элементларнинг камайиши қуйидаги кетма-кетликда жойлашган: O, Si, Al, Na, Ca ва бошқалар, уларнинг концентрацияси эса гил

намунасининг турига қараб ўзгаради. Асосий сорбцион фаол минерал ҳисобланган монтмориллонит Б1 намунада учун 54-56 % ни ва Б2 учун тахминан 54-57 % ташкил қилади.


Таркибнинг гранулометриқ таҳлили чўкиндини доимий тортиш усули ёрдамида амалга оширилди. Катта заррачалар улуши (≥ 100 мкм) Б2 гил намунасида Б1 га нисбатан юқори (биринчи усулда мос равишда, 19,5% га нисбатан 15,1%, иккинчи усулда 31,2% га нисбатан 39,3%). Бироқ, ҳар иккала усулга кўра, Б2 намунадаги йирик заррачаларнинг улуши Б1 намунага нисбатан юқори.

Б1 гили (80,6 мгэкв/100 г) Б2 гилига (65,5 мгэкв/100 г) нисбатан солиштирилганда катта катион алмашилиш сиғимига. Бу Б1 гилининг таркибида катион алмашинадиган хусусиятларга эга бўлган кўпроқ қатламли минераллар мавжудлигидан далолат беради.

Азот адсорбцияси асосида умумий ғоваклик, ғоваклар ҳажми ва тақсимоти каби параметрлар аниқланган бўлиб, бу уларнинг адсорбцион фаоллигини баҳолаш имконини беради. Қуйида олинган изотермлар келтирилган (4-расм).



А)



В)

4-расм. Азотнинг адсорбция изотермлари: А) Б1; В) Б2

Олинган изотермлар тегишли адсорбцион тенгламалар билан тавсифланган, олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Бентонитларнинг текстур хусусиятлари


Намуна	S^1 , м ² /г	S^2 , м ² /г	V_a , см ³ /г	V_b , см ³ /г	R , Å	D^{**} , Å	D^{***} , Å
Б1	56,3	65,4	0,089	0,101	41,48	16,36	6,51
Б2	42,7	62,5	0,071	0,082	45,65	18,44	8,43

¹ – БЕТ бўйича нисбий юза; ² – Ленгмюр бўйича нисбий юза; ** - ғовакнинг ўртача кенглиги; *** - микроғовак ўртача ҳажми; R – ғовакнинг ўртача ўлчами.


Б1 намунаси юқори солиштира сирт юза ва кичикроқ ғовакларга эга бўлиб, бу уни адсорбция ва катализ каби маълум жараёнларда фойдаланиш учун самарали бўлиши мумкин. Бошқа жиҳатдан, Б2 намунаси катта ғовакларга эгаллиги боис эхтимол юқори ўтувчанлик талаб қилинадиган бошқа вазифаларда афзалроқ бўлиши мумкин.

Табиий гиллардан фойдаланганда оғир металл ионларини адсорбциялаш жараёнида монтмориллонитнинг кристалл структурасининг алмашилиш тугунларидан катионлар ажралиб чиқади, бу эса ушбу катионларнинг эритмалардаги металл ионлари билан алмашилишини билдиради.

5- ва 6-расмларда ўрганилаётган бентонитларда мис (II) ва кўрғошиннинг (II) адсорбцияси изотермлари (жараён шароитлари: $t=25\pm 1^\circ\text{C}$, $\text{pH}=7$) келтирилган.



5-расм. Pb²⁺ адсорбцияси изотермлари:
1) Б2; 2) Б1.



6-расм. Cu²⁺ адсорбцияси изотермлари:
1) Б2; 2) Б1.

Адсорбция изотермасидан кўриниб турибдики, Б1 намунаси А (мг/г) адсорбция миқдорининг юқори қийматлари билан тавсифланади ва унинг қиймати 40 мг/л мувозанат концентрациясида Pb²⁺ ва Cu²⁺ бўйича мос равишда 111 ва 120 мг/г ни ташкил этади. Б1 намуна учун адсорбция изотермлари Б2 дан фарқли ўлароқ, яққол зинасимон кўринишни намоёниш этиб, бунда абсциссадаги мувозанат концентрациясининг ортиши билан ионлар концентрациянинг бир хил ўсиши кузатилади.

Диссертациянинг «Бентонит гилларининг структуравий хусусиятларига бойитиш ва модификациялаш жараёнларининг таъсирини таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида бентонитни бойитиш ва модификациялаш шароитларининг унинг структуравий хусусиятларига таъсирини ўрганишга қаратилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Дастлаб, гил катта аралашмалар ва бошқа кўринадиган ифлослантирувчи моддалардан бирламчи тозаланган ва тўлиқ намсизлантирилиши учун қуритиш печида 105±5°С ҳароратда қуритилган. Сўнг майдаланган гилга дистилланган сувга солинган ва 24 соат давомида бўйиши учун тинч қолдирилаган. Кейин намунага етарли миқдорда сув қўшилган (намуна ҳажмининг 1:5 дан кам эмас) ва 20 дақиқа давомида аралаштирилган. Аралаштиргандан 20 дақиқа ўтгач, монтмориллонитдан қум заррачаларини ажратиш учун суспензиянинг юқори 10 см қатлами декантация қилинган. Бошқа идишда тўпланган юқори қатлам чўктирилган ва тубидаги чўкма қолдириб, суспензиянинг юқори қисми ажратиб олинган. Ҳосил бўлган чўкмага 1:1 ҳажмдаги 10% ли H₂SO₄ эритмаси қўшилган ва 40-50°С да 2 соат аралаштирилган. Шундан сўнг, ҳосил бўлган намуна 2 соат давомида тинч қолдирилиб, сўнгра қаттиқ фаза центрифугалаш орқали ажратиб олинган, бир неча марта ювилган ва намликдан тўлиқ ҳоли бўлгунча 105±5°С ҳароратда қуритилган.

Шундай қилиб, бойитиш натижасида юзага келадиган кимёвий таркибдаги ўзгаришлар бентонит гилларининг адсорбцион хусусиятларини ошириши ва текстур хусусиятларини яхшилаши мумкин, бу эса уларни турли хил тармоқларда қўлланилишини самаралироқ қилиб, текстур хусусиятлари кўрсаткичларининг ўзгариши буни тасдиқлайди (2-жадвал).

2-жадвал.

Бойитилган бентонитларнинг текстур хусусиятлари

Намуна	S _{уд} , м ² /г	R, нм	ΣV, см ³ /г
Б1	77,3	3,61	0,221
Б2	61,2	3,98	0,203

Б1 намунасининг солиштирма сирт юзаси бойитилиш натижасида 56,3 дан 77,3 м²/г гача ортди(ўсиш 21 м²/г ёки тахминан 37%), Б2 учун эса ўсиш 18,5 м²/г ёки тахминан 43% ни ташкил этган. Б1 нинг ўртача ғовак радиуси (R) 41,48 Å (4,148 нм) дан 3,61 нм гача (0,537 нм га қисқариш ёки 13% га камайиш) камайган.

Умумий ғоваклар ҳажмининг ортиши ҳам кузатилган: Б1 учун бу 0,19 дан 0,221 см³/г гача, Б2 намунаси учун эса 0,203 см³/г гача кўтарилган.

Гил ва (гидр)оксид заррачаларини ўз ичига олган коллоид дисперсияларнинг динамикаси мураккаб жараён дир. Муайян шароитларда гил заррачалари ва (гидр)оксидлари маълум бир рН даражасида композит тузилмаларни ҳосил қилиш учун бирлашиши мумкин. Натижада, дисперс композит заррачалар ҳосил бўлиб, бу ерда (гидр)оксидлар гил асосида қоплама ҳосил қилади. Қуйида бентонит намуналарини адсорбцион ва текстур хусусиятларини яхшилаш учун турли тузлар эритмалари билан модификациялаш жараёнларини ўрганиш натижалари келтирилган.


Бунинг учун 20 г бойитилган бентонит суспензияси 400 см³ дистилланган сувда 1,5-2 соат давомида аралаштириб тайёрланган. Сўнгра тузлар аралашмасини ўз ичига олган 100 см³ эритма олинган:

1. 0,541 г FeCl₃*6H₂O, 0,406 г MgCl₂*6H₂O ва 0,198 г MnCl₂*4H₂O;
2. 0,438 г CaCl₂*6H₂O, 0,488 г ZnCl₂*6H₂O ва 0,198 г MnCl₂*4H₂O.

Ушбу тажрибани ўтказиш учун 0,001 г аниқликда ўлчанган тузлар 50 мл дистилланган сувда суюлтирилган ва тўлиқ эригунча яхшилаб аралаштирилган. Сўнгра қўшимча сув қўшилиб, уларнинг ҳажми 100 см³ га келтирилган. Ушбу туз эритмаси аста-секин фаол аралаштирилган суспензияга бир вақтнинг ўзида 0,5 М NaOH қўшиш орқали киритилган, суспензиянинг рН қиймати эса 9-11 оралиғида сақланган. Шундан сўнг, аралашманинг рН қиймати 10 га келтирилган ва хона ҳароратида 6 соат давомида қолдирилган. Олинган чўкма филтрланган, Cl⁻ ионларидан тўлиқ ҳоли бўлгунга қадар дистилланган сув билан қайта-қайта ювилган ва 105±1°С ҳароратда қуритилган. Ниҳоят, материал 1,5-2 соат давомида 300°С ҳароратда иссиқлик билан ишлов берилган. Ушбу иссиқлик билан ишлов бериш композитнинг структурасини барқарорлаштириб, унинг сувда бўкиш қобилиятини пасайтирган ва оддий бентонитдан фарқли равишда уни филтрлаш ёки центрифугалаш усуллари билан осонгина ажратиш имконини берган. Мазмунан, иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида композит фақат боғланган сувни йўқотган, структурадаги ОН⁻ гуруҳлари ўзгармаган ҳолда қолиб, адсорбция марказлари вазифасини бажариши мумкин. Тадқиқот учун ишлов берилган композиция агат ҳовонда майдаланган ва 120 меш ўлчамли элакдан ўтказилган.

Бентонитнинг Fe(III), Mg ва Mn(II) тузлари билан модификацияси қўшимча чўққиларнинг пайдо бўлишига ёки қатламлараро алмашинув ва/ёки бу катионларнинг монтмориллонит структурасида мавжудлиги сабабли мавжуд чўққиларнинг интенсивлиги ва ҳолатининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Рентгенструктуравий таҳлил натижаларида (а) мос равишда Б1 ва Б2 асосида олинган ФБ1 ва ФБ2 намунаси ва Fe³⁺ тузлари бўлган биринчи эритма учун Fe(III) оксидларга хос чўққиларни кўриш мумкин.

Гематит ($\alpha\text{-Fe}_2\text{O}_3$) ва магнетит (Fe_3O_4) каби темир оксидлари учун кўшимча чўққилар (33° , $35,6^\circ$, 41°) аниқланган. Монтмориллонитнинг асосий чўққиси ҳолатининг ўзгариши қатламлараро бўшлиқлардаги Na Ca ёки Mg билан алмаштирилганда содир бўлади, бу 2θ да $42,9^\circ$ диффракция чўққиларининг шаклланишида намоён бўлган. Кўриб чиқилган барча бентонит намуналари 33° , $40,8^\circ$ бурчак остида марганец оксидига мос келадиган спектрал хусусиятларни ва бошқа 2θ қийматларини намоёйиш этган. Дастлабки бентонитлар d_{001} , d_{003} , d_{020} ва d_{200} чўққиларини 5,74; 17,30; 19,88 ва 34,88 (2θ) да кўрсатган, 2-эритма (КБ1 ва КБ2) ёрдамида ўзгартирилган бентонитлар учун эса бу чўққилар 6,90, 17,59; 20,01 ва 35,01 (2θ) да кузатилган.



7-расм. Азот адсорбцияси изотермлари:
1) КБ1; 2) КБ2; 3) ФБ1; 4) ФБ2.

3-жадвал.

Модификацияланган бентонитларнинг текстур хусусиятлари

Намуна	$S_{уд}, \text{м}^2/\text{Г}$	R, нм	$\Sigma V, \text{см}^3/\text{Г}$
ФБ1	120,588	3,282	0,332
ФБ2	95,472	3,618	0,305
КБ1	146,097	3,008	0,354
КБ2	115,668	3,317	0,325

КБ1 намунаси энг катта солиштирма сирт юзага эга ($146,097 \text{ м}^2/\text{Г}$), бу эса Б1 намунасидан 89,2% га ва Б2 намунасидан 138,5% га кўпроқдир.

Модификация кўпчилик намуналарда ғовак ҳажмининг кичрайишига олиб келган бўлиб, бу бентонит структураси зичлигининг ошганлигини ифодалаш мумкин. Модификацияланган намуналар орасида КБ1 энг кичик ғовак ҳажмини ($3,008 \text{ нм}$) кўрсатган, бу унинг тузилишини бошқа намуналарга нисбатан ихчамроқ қилади.


Шунингдек, модификацияланган намуналар бойитилган модификацияланмаган намуналарга нисбатан умумий ғовак ҳажмининг ортишини кўрсатган. КБ1 намунаси энг катта ғовак ҳажмини ($0,354 \text{ см}^3/\text{Г}$) кўрсатган бўлиб, Б1 намунасидан 60,2% га ва Б2 намунасидан 74,4% га кўпдир.

Диссертациянинг «**Бойитилган ва модификацияланган бентонитларнинг адсорбцион кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида модификацияланган бентонитларнинг адсорбцион кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган экспериментал тадқиқотлар бўйича маълумотлар келтирилган.


Агар бойитилган бентонитда оғир металллар ионларининг адсорбцияланиш жараёни катионлар алмашинуви йўли билан амалга оширилса, модификацияланган бентонитлардаги жараён комплекс бирикмалар кўринишида кимёвий боғлар ҳосил бўлиши орқали содир бўлади. Агар модификацияланган намуналардаги жараён ион алмашинуви орқали содир бўлса, бу Fe^{3+} оксиди ва гидроксидларининг ювилишига олиб келиши зарур. Бироқ, ишлатилган модификацияланган бентонитларнинг кимёвий ва минералогик таркибини ўрганишда улар маълум барқарорликни кўрсатган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ca^{2+} , Zn^{2+} ва Mn^{2+} ионлари сақлаган иккинчи эритма билан модификациялаш Cu^{2+} ионларининг эритмадан адсорбцияланиш кинетикасида ўзгаришларга олиб келмаган. Мазкур тизимда адсорбциянинг мувозанатга эришиш вақти аввал келтирилган натижалар билан деярли бир хил.

8- ва 9-расмларда ўрганилаётган сорбентларда Cu^{2+} ионларининг нейтрал муҳитдаги адсорбция изотермалари келтирилган. Жараён шароитлари: ҳарорат $t=25\pm 1^\circ\text{C}$ ва $\text{pH}=7$. Ушбу изотермлар эритмадаги Cu^{2+} ионларининг концентрацияси ва уларнинг сорбентларга адсорбцияси ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш имконини берган.



8-расм. Намуналарда Cu^{2+} адсорбцияси изотермлари: 1) ФБ1; 2) КБ1; 3) ББ1.




9-расм. Намуналарда Cu^{2+} адсорбцияси изотермлари: 1) ФБ2; 2) КБ2; 3) ББ2.


Мис ионларининг бойитилган бентонитларга (Б1 ва Б2) ва уларнинг модификацияланган шаклларига адсорбциясини таққослаш қуйидаги натижаларни кўрсатди. ФБ1 учун мис ионларининг дастлабки адсорбцияси 3 мг/л концентрацияда кузатилган ва 25 мг/г қийматгача ортган. Кейинчалик адсорбция ўсишда давом этиб, мувозанат концентрацияси 50 мг/л бўлганда максимал 128 мг/г қийматга етган.

Бентонит Б1 ҳолатида, модификацияланган ФБ1 шакли учта модификацияланган шакллар орасида мис ионларининг адсорбциясининг энг юқори самарадорлигини кўрсатади. Бентонит Б2 учун модификацияланган ФБ2 шакли ҳам худди шундай яхши натижаларни кўрсатган. Умуман олганда, модификацияланган ФБ1 ва ФБ2 шакллари иккала бентонит учун бошқа модификацияланган шаклларга нисбатан юқори адсорбция самарадорлигини кўрсатган. ББ1 ва ББ2 шакллари ҳам бир оз адсорбция қобилиятига эга, лекин ФБ1 ва ФБ2 нисбатан мос равишда қисман пастрок.

Модификацияланган бентонит ФБ1 дастлабки алюиносиликатлар билан солиштирилганда PO_4^{3-} ионлари учун тахминан 3 баравар юкори сорбция қобилиятига эга. Фосфатлар учун адсорбцион хусусияти қуйидаги тартибда ўзгаради: $ФБ2 > ФБ1 > КБ2-1 > КБ1 > ББ1 > ББ2$. Бу сорбентлардаги умумий нисбий юзаининг ва мавжуд микроғовакларнинг ўзгаришига мос келади.



10-расм. 1) ФБ1; 2) КБ1; 3) ББ1 Намуналарда PO_4^{3-} адсорбцияси изотермлари.



11-расм. 1) ФБ2; 2) КБ2; 3) ББ2 Намуналарда PO_4^{3-} адсорбцияси изотермлари.

4-жадвал.

Ўрганилаётган материалларда ноорганик ионларнинг адсорбцияси қийматлари, мг/г.


Адсорбатлар	ББ1	ББ2	ФБ1	ФБ2	КБ1	КБ2
Cu^{2+}	108,3	96,2	128,5	112,1	123,4	106,5
PO_4^{3-}	74,8	69,5	153,3	120,4	144,9	109,2

4-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили модификацияланган ФБ1, ФБ2, КБ1 ва КБ2 бентонитлари ҳар икки турдаги адсорбатлар - Cu^{2+} ва PO_4^{3-} учун ББ1 ва ББ2 дастлабки намуналари билан солиштирилганда яхшиланган адсорбцион фаолликни намоён этишини кўрсатади. Cu^{2+} ва PO_4^{3-} учун барча ўрганилган намуналар орасида ФБ1 энг юкори адсорбцион фаолликка эга. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, бентонитни модификациялаш жараёнида унинг адсорбцион хусусиятларини, айниқса анорганик ионларга нисбатан яхшилади.


Сув буғининг адсорбциясини танланган бентонит намуналарида шунингдек, уларнинг модификацияланган КБ2 ва КБ1 намуналарида таҳлил қилинганда, модификация уларнинг нисбий юзаси кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилиши аниқланган. Ушбу турдаги бентонитлардаги сувнинг адсорбцион изотермлари 12- ва 13-расмларда келтирилган.

Ушбу изотермларнинг таҳлили қуйидаги асосий йўналишларни кўрсатган: дастлаб эгри чизиқнинг $P/P_0 = 0,4$ га кескин ўсиши, кейин $P/P_0 = 0,4-0,8$ оралиғида деярли текис қисм ва эгри чизиқнинг P/P_0 яна кескин ўсиши 0,80 дан ошган. Биринчи қисмнинг тасвири адсорбция жараёнининг тез бошланишини кўрсатади, кейин эса $P/P_0 = 0,4-0,8$ қийматлари ўртасида мувозанатлашади. Изотерманинг бу шакли асосан мезоғовак, шунингдек, маълум миқдордаги макро- ва микроғовакларни сақлаган материаллар учун хосдир. Нисбий босимнинг ошиши билан (P/P_0 0,8 га яқинлашади)

изотермада эгилиш сезилади, бу адсорбатнинг кўп қатламли адсорбцияси шаклланишининг бошланишини, хусусан, бирламчи қатламларни қоплайдиган сув молекулаларининг иккинчи ва кейинги қатламларни ҳосил қилишини кўрсатади.




12-расм. Сув буғи адсорбцияси изотермаси: 1) КБ1; 2) КБ2; 3) ББ1; 4) ББ2.



13-расм. Сув буғи адсорбцияси изотермаси: 1) ФБ1; 2) ФБ2.

Сув буғи адсорбциясини таҳлил қилиш асосида нисбий юза кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган: гил КБ2 учун $158,1 \text{ м}^2/\text{г}$, КБ1 учун - $137,12 \text{ м}^2/\text{г}$. Шунингдек, сув буғлари учун сорбция қобилиятининг кўрсаткичлари ҳам аниқланган: 100 г КБ2 ва КБ1 учун мос равишда 22,1 г ва 20,5 г сув.



14-расм. Бензол буғлари адсорбцияси изотермаси: 1) ББ1; 2) ББ2; 3) КБ1; 4) КБ2; 5) ФБ1; 6) ФБ2.

Таҳлил қилинаётган бентонит намуналарида нисбий босимга қараб бензол буғлари адсорбцияси изотермлари аввал кўриб чиқилган изотермларга ўхшаш хусусиятларни намоён этган.

5-жадвал.

Адсорбентларнинг текстур хусусиятлари

Намуна	Текстур хусусиятлар					
	A_{∞} , моль/кг	S , $\text{м}^2/\text{г}$	V_a , $\text{см}^3/\text{г}$	V_b , $\text{см}^3/\text{г}$	ΣV , $\text{см}^3/\text{г}$	ΔR , нм
Сув буғи адсорбцияси бўйича						
ББ1	0,925	60,13	0,0465	0,0250	0,0715	2,38
КБ1	2,436	158,36	0,100	0,030	0,131	1,66
ФБ1	2,111	137,23	0,095	0,045	0,140	1,96
ББ2	0,861	55,99	0,0465	0,0280	0,0746	2,66
КБ2	2,569	167,22	0,111	0,030	0,141	1,56
ФБ2	1,534	101,10	0,081	0,030	0,111	1,88
Бензол буғи адсорбцияси бўйича						
ББ1	0,213	51,33	0,0448	0,0157	0,0605	2,36
КБ1	0,402	99,50	0,080	0,019	0,099	2,21
ФБ1	0,465	108,80	0,056	0,044	0,100	2,22
ББ2	0,197	47,35	0,435	0,0223	0,0658	2,78
КБ2	0,513	123,21	0,108	0,022	0,130	2,42
ФБ2	0,569	136,21	0,093	0,036	0,129	2,06

КБ2 даги бензол буғининг адсорбциясининг ўзига хослиги паст нисбий босимларда ($P/P_0=0,2$) кавариқ майдонида намоён бўлади, бу КБ1 даги тегишли майдондан сезиларли даражада ошади. Бирок, изотерманинг иккинчи қисмининг табиатига кўра, КБ2 кўпроқ даражадаги динамикани намоёиш этади, бу икки намунанинг адсорбция кўрсаткичларининг яқинлашишига олиб келади, бунинг натижасида, тажрибанинг охирида иккала кўрсаткич мос келади.

Тадқиқот натижаларига кўра, бентонит гилларини модификациялашда Ca^{2+} , Zn^{2+} ва Mn^{2+} ионларини сақлаган эритмалардан фойдаланиш орқали уларнинг сув буғларини адсорбциялаш қобилиятининг сезиларли даражада оширишга ёрдам беради деган хулосага келиш мумкин. Хусусан, КБ1 ва КБ2 намуналари мос равишда 158 ва 167 m^2/g нисбий юзаси катталигини намоён этган. $Fe^{3+}+Mg^{2+}+Mn^{2+}$ ионлари сақлаган эритмалар билан ишлов берилган бентонитларнинг нисбий юзаси 137 ва 101 m^2/g ни кўрсатган.

Таркибида нефт маҳсулотлари (10 мг/л) ва ёғлар (50 мг/л) бўлган намунавий эритмалардаги ушбу моддаларни сорбциялаш ва каталитик йўқотиш бўйича тажрибалар бойитилган бентонитлар ва уларнинг модификацияланган шакллари ёрдамида ўтказилди.


15 ва 16-расмларда модел эритмаларни тозалаш натижалари келтирилган. Расмларда нефт маҳсулотлари ва ёғларнинг сорбциясининг кинетик графиклари кўрсатилган бўлиб, бунда физик адсорбцияни кескин ўзгаришларсизлиги кўрсатилган. Бойитилган бентонитлардан фойдаланганда нефт маҳсулотлари ва ёғлар даражасининг максимал пасайиши дастлабки 20 дақиқада қайд этилди. Бирок, модификацияланган нумуналарлардаги графиклар (17- ва 18-расмлар) сорбциянинг бошқа табиатини кўрсатади, бу уларнинг босқичли эгри чизиқлари билан тасдиқланади. Жараённинг юқори тезлиги туфайли даражаларнинг максимал пасайиши дастлабки 5 дақиқада содир бўлади. Эҳтимол бу, модификация органик молекулаларнинг бентонит юзаси билан ўзаро таъсирини кучайтиришга ёрдам беради. Эгри чизиқнинг ўзгариши 30 дақиқада кузатилиши, катта органик молекулаларининг ғовакларга кириб бориши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Расмлардан кўриниб турибдики, барча модификацияланган бентонитлар нефт маҳсулотлари миқдорини 90% ёки ундан кўпроқ камайтирган. Бирок, КБ1 ва КБ2 намуналари учун ёғли моддалар даражасининг камайиши фақат 19 ва 17 мг/г гача, бу тозалашнинг 62 ва 66% ташкил қилган.


Шунингдек, водород пероксид ёрдамида органик материалларни оксидлашда бентонитларнинг каталитик фаоллиги ҳам ўрганилган. Бунда, турли параметрларнинг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, 20°C дан юқори ҳароратларда ва оксидловчи модда концентрацияси 360 мг/л энг яхши натижаларга эришилади. Водород пероксид миқдори пасайганда жараён секинлашади, водород пероксид миқдори ошганда ўзгариш реакцияси ҳам секинлашади, эҳтимол фаол гидроксил радикаллари миқдорининг камайиши билан боғлиқ.

Оксидланиш жараёнида дастлабки монтмориллонитлар (ББ1 ва ББ2) ёрдамида водород пероксид қўшилганда, нефт маҳсулотларининг


оксидланиш фаоллиги 60% га етмаган. Бироқ, ФБ1 ва ФБ2 тизимларида 99% самарадорликка эришиш учун 20-25 дақиқа талаб этилди. Катта эҳтимол билан, табиий монтмориллонитларнинг оксидланиш қобилияти уларнинг реакция бошида моддаларни ўзининг юзасида адсорбциялаш қобилияти билан боғлиқ бўлиб, кейин оксидловчи деструкцияси содир бўлади. Fe^{3+} ва Ca^{2+} орасидаги каталитик фаолликда сезиларли фарқлар мавжуд. КБ1 ва КБ2 катализаторларидан фойдаланганда нефт маҳсулотларининг оксидланиши 80% дан ошган.




15-расм. Нефт маҳсулотлари концентрацияси пасайиши кинетикаси: 1) Б2; 2) Б1.




16-расм. Ёғлар концентрацияси пасайиши кинетикаси: 1) Б2; 2) Б1.




17-расм. Нефт маҳсулотлари концентрацияси пасайиши кинетикаси: 1) КБ2; 2) КБ1; 3) ФБ1; 4) ФБ2.



18-расм. Ёғлар концентрацияси пасайиши кинетикаси: 1) КБ2; 2) КБ1; 3) ФБ1; 4) ФБ2.



А)



Б)

19-расм. H_2O_2 таъсирида нефт маҳсулотлари (А) ва ёғларни (Б) каталитик йўқотишнинг кинетик эгри чизиқлари: 1) ФБ1; 2) ФБ2; 3) КБ1; 4) КБ2.

Шундай қилиб, модификацияланган бентонитлар нефт маҳсулотлари ва ёғ-мой моддаларни сорбциялашда айниқса КБ1 ва КБ2 намуналари юқори самарадорликни намойиш этган. Дастлабки монтмориллонитларни (ББ1 ва ББ2) каталитик оксидлашда водород пероксидини қўллаганда, оксидланиш даражаси 60% дан кўп бўлмаганини кўрсатди. Шу вақтда ФБ1 ва ФБ2 тизимларида деярли тўлиқ оксидланиш (99%) жараёни 20-25 дақиқада амалга ошган.

ХУЛОСА

1. Ўтказилган тадқиқотлар Б1 ва Б2 гиллари минералогик, кимёвий ва текстур хусусиятларига кўра фарқланиб, бу уларнинг адсорбцион хусусиятларига таъсир қилиши аниқланган. Б1 гили ўзининг юқори катион алмашилиш фаоллиги, қатламли минералларнинг миқдори, юқори нисбий юзаси ва микроғовак ҳажми билан ажралиб туради.

2. Бентонитни модификациялашда фаол аралаштириладиган суспензияга киритилган тузлар аралашмасига бир вақтда 0,5М NaOH қўшилган ҳолда, суспензиянинг рН қийматини 9-11 оралиғида ушлаб туриш орқали оптимал шароитга эришилиши аниқланган. Бу сувли муҳитда катионли адсорбатларга нисбатан юқори адсорбцион фаолликка эга бўлган композит заррачаларнинг шаклланишини таъминлайган. 300°C ҳароратда кейинги иссиқлик билан ишлов берилиши материалнинг структурасини барқарорлаштиради, бу эса сувда бўқишида анча чидамли бўлади.

3. Монтмориллонит структурасидаги ўзгаришлар диффракция чўққиларининг силжиши ва кенгайиши, Fe(III), Mg ва Mn(II) оксидларига хос бўлган янги чўққиларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, кварц ва кристобалит диффракцияси билан боғлиқ чўққиларнинг ўзгариши билан исботланган. d-масофа ва бошқа параметрларда акс этган структуравий ўзгаришлар, модификацияда қатламлараро масофага жавоб беришини ва бентонитнинг текстур ҳамда адсорбцион хусусиятларига таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади.

4. Паст рН (рН=2) да Cu^{2+} ва PO_4^{3-} ноорганик ионларининг адсорбцияси самарадорлиги модификацияланган ФБ1, ФБ2, КБ1 ва КБ2 бентонитларида дастлабки ББ1 ва ББ2 намуналарининг адсорбциясидан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Модификацияланган бентонит КБ1 Cu^{2+} нинг адсорбцияси учун энг катта фаолликка эга бўлса, ФБ1 эса PO_4^{3-} адсорбциясида юқори самарадорликни намойиш этади.

5. Бентонитларни Ca^{2+} , Zn^{2+} ва Mn^{2+} каби плёнка ҳосил қилувчи катионлар эритмалари ёрдамида модификациялаш, уларнинг сув буғларига нисбатан, Fe^{3+} , Mg^{2+} ва Mn^{2+} сезиларли даражада ошишига олиб келиши аниқланди. Бу мақсадли адсорбцион вазифаларга қараб модификациялаш учун эритмалардаги ион таркибининг муҳимлигини таъкидлайди.

6. Нефт маҳсулотлари ва ёғ мойларининг адсорбциясини ўрганиш уларнинг юқори самарадорлигини тасдиқлади: КБ1 ва КБ2 асосидаги намуналар 80% дан ортиқ тозалаш даражасига эришади, ФБ1 ва ФБ2 ўз ичига олган тизимлар оксидловчи хусусиятларга эга бўлиб, 20-25 дақиқа давомида улардаги ифлослантурувчи моддаларни 99% гача йўқотади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02./30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАМАДОЛИЕВ ИКРОМЖОН ИЛХОМИДИНОВИЧ

**АДСОРБЦИОННОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
ВЫСОКОСЕЛЕКТИВНЫХ АДСОРБЕНТОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ИЗ
НАВБАХОРСКОГО БЕНТОНИТА**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.3.PhD/K470

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдикамалова Азиза Бахтияровна
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Исмаилов Ровшан Исраилович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт


Защита диссертации состоится “11” января 2024 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии (Адрес: 100170, г.Ташкент, улица Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionx@academy.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрировано № 8). Адрес: 100170, г.Ташкент, улица Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Автореферат диссертации разослан “29” декабря 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 8 от “29” декабря 2023 года).




Б.С. Закиров
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.х.н., проф.


Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.


И.Д. Эшметов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире модифицированные монтмориллониты, имеющие развитую пористую структуру, известны в качестве эффективного адсорбента, наполнителя различных полимерных веществ, носителей катализаторов и лекарственных препаратов. Особенно модифицированные монтмориллонит содержащие глины являются сравнительно дешевыми и эффективными адсорбенты для комплексной очистки сточных вод. Поэтому исследования в области модификации бентонита для комплексной очистки сточных вод стали важным направлением научных исследований.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по созданию новых высокопористых материалов на основе монтмориллонитовых глин и химических модификаторов. В связи с этим, особое внимание уделяется оптимизации условий модификации монтмориллонитовых глин и других смектитов, улучшению текстурных характеристик и пористой структуры, повышению термической, механической и химической устойчивости, адсорбционных и других характеристик при адсорбционной очистке жидких органических и водных сред.

В нашей республике достигнуты значительные результаты по модернизации технологии производства функциональных материалов – эффективных адсорбентов и катализаторов на основе минералов группы смектита. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан определены задачи в направлении «Обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение промышленности в общей внутренней продукции, увеличение объема производства промышленности продукции в 1,4 раза...»¹. В данном контексте, большое значение приобретают научные исследования, направленные на разработку высокоэффективных адсорбентов, которые основаны на местных ресурсах, в частности, на широко распространенной Навбахорской бентонитовой глине. Эти исследования направлены на соответствие современным требованиям индустрии и охраны окружающей среды, а также на понимание взаимосвязи между характеристиками состава, структуры и условиями производства данных адсорбентов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и продуктивности науки в области химии и биологии» ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В мире на улучшение текстурных характеристик слоистых материалов их модификацией, в частности на получение адсорбентов, посвящены работы учёных R.O. Ajemba., Onukwuli O.D., Zafar Z.I., Livingston W.R., Tomul F., Rogers D.A., Chen Q., Chapman R.J., Reynolds R., Hussain S.A., Коньковой Т.В., Бабенков Е.Д., Бутмана М.Ф., Проскуряков, А.А., Третинник Л.А., Кульский, Ю.Ю., Кормош Е., и др.

В нашей стране К.С.Ахмедовым была создана школа по получению эффективных адсорбентов на основе модифицированных слоистых систем, представители которой: Хамраев С.С., Агзамхожаев А.А., Нарметова Г.Р., Муминов С.З., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Акбаров Х.И., Эшметов И.Д., Салиханова Д.С. и др. внесли весомый вклад на её развитие.

Этими учеными были проведены научно-исследовательские работы по изучению природных ресурсов, способов их модификации, определению зависимости между методом синтеза и коллоидно-химическими свойствами, текстурными характеристиками полученных материалов, их стабильностью, а также по исследованию адсорбционных характеристик по отношению к адсорбатам органической и неорганической природы. Вместе с тем, имеются вопросы по повышению устойчивости системы модифицированных материалов при сохранении адсорбционных и каталитических характеристик.

